



**ХОЛБЕКОВ МУҲАММАДЖОН НУРҚОСИМОВИЧ  
(1950-2020)**

Юртимиз филология фанининг хорижий адабиётшунослик ва таржимашунослик соҳалари оғир жудоликка учради. Таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор, Халқаро Antique World илмий академиясининг академиги Муҳаммаджон Холбеков бевакт оламдан ўтди.

М.Н.Холбеков 1950 йилнинг 12 сентябрида Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида таваллуд топди. 1967 йил ўрта мактабни битириб, Самарқанд давлат университетининг роман-герман филологияси факультетига ўқишга кирди. Университетни 1972 йилда имтиёзли диплом билан тамомлаган Муҳаммаджон Холбеков Самарқанд давлат педагогика институти чет тиллар кафедрасида ўқитувчилик фаолиятини бошлади. 1974 йилда у ўзи таҳсил олган университетнинг француз ва лотин тиллари кафедрасига ўқитувчи бўлиб ишга қайтади. 1976 йилда Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институти Таржима назарияси ва адабий алоқалар бўлимида профессор Жуманиёз Шарипов илмий раҳбарлигида номзодлик диссертацияси устида изланиш олиб боради ва 1982 йил “Француз бадий адабиёти ўзбек тилида (таржима тарихи ва амалиёти таҳлили)” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Диссертацияда олим француз адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган таржималар тарихини тўлиқ ёритиш билан бирга билвосита ва бевосита таржима қилинган бадий асарларнинг француз-ўзбек таржима амалиётида тутган ўрнини назарий жиҳатдан таҳлил қилиб берган эди. Олим кейинчалик француз адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган таржималарга библиографик тартиб бериб, уни алоҳида китоб ҳолида нашр эттиради. Шундан сўнг, Самарқанд давлат университети француз филологияси кафедраси доценти лавозимида ишлаган Муҳаммаджон Холбеков 1986-1988 йиллар Москвадаги Жаҳон адабиёти институти (ИМЛИ) докторантурасида ўқиб, академик Н.И.Балашов ва профессор Н.В.Владимировалар консультантлигида докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб боради. Бу йилларда у москвалик йирик олимлар, академиклар Н.И.Балашов, Ю.Б.Виппер, профессорлар А.Д.Михайлов, Т.Л.Мотильева, П.М.Топер, И.Г.Торсуевалар билан яқин мулоқотда бўлди, айни пайтда Ғарбий Европа адабиёти тарихи ва Ғарб олимларининг таржима назарияси ва амалиёти борасидаги тадқиқотларини чуқур таҳлилдан ўтказиб, ўзининг “Ўзбек-француз адабий алоқалари (таржима, танқид ва талқин муаммолари)” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилади.

Муҳаммаджон Холбеков бу йилларда ўз илмий фаолиятини таржима амалиёти билан вобаста олиб боради. Унинг Шарл Перро, Жюль Верн, Ги де Мопассан, Жак Превер, Марсел Эме, Луи Арагон ижодидан қилган таржималари республика даврий матбуотида чоп этилади. 1987 йилда олим машҳур француз адиби Ги де Мопассан асарларининг бир жилдлигини нашрга тайёрлаб, уни сўзбоши билан нашр қилдиради; 1989 йил М.Холбеков таржимасида француз адиблари эртақлари алоҳида китоб ҳолида катта адабда босилиб чиқади.

Профессор М.Н.Холбеков кўплаб халқаро анжуманлар, симпозиумлар ташкилотчиси ва иштирокчиси эди. Унинг илмий маърузалари ўз вақтида франциялик “Шеърый ҳаракат” (Action poétique) журнали бош муҳаррири шоир Анри Делюи, шоир ва таржимон Жан-Пер Балп ва машҳур олим, профессор Т.В.Балашоваларда катта таассурот уйғотади, натижада олимнинг мақолалари чет элларда чоп этилади. Унинг ташаббуси билан франциялик бир қатор ижодкорлар Ўзбекистонга ташриф буюришади ва ўзбекистонлик ўзбек ва рус шоирлари асарларини француз тилига ўгириб, юртларида чоп этишади. Бу таржималар 1989 йил “Ўзбек ва рус шоирлари” номи остида, М.Холбеков сўзбошиси билан алоҳида китоб ҳолида Францияда нашр этилади. Ушбу альманах ёш ўзбек шоирларини Ғарб ўқувчисига илк марта таништирганлиги билан алоҳида эътиборга молик эди.



Бу йилларда олимнинг таржимашунослик муаммоларига оид элликдан зиёд илмий мақолалари, рисола ва қўлланмалари чоп этилди, республикамиз илмий жамоатчилиги назарига тушди. Унинг 1988 йилда “Ўзбек адабиёти Францияда” рисоласи, 1990 йилда “Ўзбек мумтоз адабиёти XVII-XX аср француз манбаларида” номли монографияси чоп этилди.

1991-1998 йилларда профессор М.Холбеков Самарқанд давлат университетида ўзи ташкил қилган “Жаҳон адабиёти тарихи” кафедрасини бошқарди, университет филология маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, рус филологияси факультети декани, рус ва хорижий мамлакатлар адабиёти кафедраси мудирининг лавозимларида самарали фаолият кўрсатди. Бу даврда бевосита унинг ташаббуси билан Самарқанд давлат университетида “Бадий таржима ва ўзбек адабиётининг халқаро алоқалари” мавзусида илмий-амалий конференцияларнинг ўтказилиши ва илмий тўпламлар чоп қилиниши кейинчалик ўзига хос анъанага айланиб қолди. Булар университет фани ривожига ҳисса бўлиб қўшилди. Олимнинг бу йилларда чоп этилган “Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари”, “Алишер Навоий асарлари француз тилида”, “Француз-ўзбек адабий алоқалари тарихидан” рисолалари, шунингдек, Ғарб адабиёти ва хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима масалаларига бағишланган қатор илмий мақолалари Ўзбекистонда роман-герман таржимашунослиги ва қиёсий адабиётшунослиги равнақига қўшилган ўзига хос ҳисса бўлди.

1992-1998-йилларда профессор М.Н.Холбеков дастлаб Ўзбекистон Республикаси олий Аттестацияси Комиссияси эксперт кенгаши, кейинчалик Самарқанд давлат университети қошидаги филология бўйича ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси сифатида фаолият кўрсатди. 1998-2000 йилларда у Самарқанд тиббиёт институти чет тиллар кафедраси мудирининг лавозимида ишлади. Бу йилларда кафедра ўқитувчилари олим раҳбарлигида инглиз, немис, француз ва лотин тилларидан тиббиёт йўналишига оид бир қатор услубий қўлланмалар тайёрлаб нашр эттирдилар. Улар орасида профессорлар Б.Рустамов ва Г.Хайдарова билан ҳамкорликда яратилган “Лотинча-русча-ўзбекча тиббиёт атамалари луғати” (2000) муҳим ўрин тутди.

Профессор Муҳаммаджон Холбеков 2017 йилдан Самарқанд давлат чет тиллар институти таржима назарияси ва амалиёти кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган эди. Бу ердаги фаолияти даврида олим “Узбекская классическая литература во французской культуре XVII-XX веков”; “Инглиз адабиёти классиклари”, “Ғарб модерн драмаси”, “XX аср жаҳон адабиёти манзаралари”, “Бадий матннинг структур таҳлили” номли йирик илмий ва ўқув адабиётларини нашр эттирди. Унинг жами нашр этган илмий китоблари, мақолалари библиографияси уч юз элликдан номдан ошиб кетади. Сўнгги йилларда профессор Муҳаммаджон Нурқосимович Холбеков Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси қошидаги филология йўналиши бўйича эксперт кенгаш аъзоси, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти қошидаги ихтисослашган илмий кенгашлар аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда эди. У юртимиздаги аксарият ижтимоий-гуманитар фанларга оид соҳавий журналларнинг таҳририят аъзоси, юртимиздаги ягона “Сўз санъати” халқаро электрон импакт-факторли илмий журналнинг бош муҳаррири эди. Унинг бевосита раҳбарлигида иккита фан доктори, 17 фан номзоди ўз диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилишган, ўнлаб иқтидорли талабалар давлат стипендияларига сазовор бўлишган эди.

Илм-фан ташкилотчиси, илғор тафаккурли олим, таълим фидойиси ва ёшларнинг меҳрибон устози профессор Муҳаммаджон Нурқосимович Холбеков етмиш ёшини яқиндагина қаршилаган эди. Афсуски, хаётнинг ўз қонунлари бор.

Биз, унинг ҳамкасблари, шогирдлари унинг республикамиз илм-фани ва таълимини ривожлантириш йўлидаги фидокорона меҳнатларини, порлоқ хотирасини доим ёдда сақлаймиз. Устознинг жойлари жаннатдан бўлсин.

**Таҳририят**